



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

"Бугун пандемияга қарши курашишда ҳушёрлик ва масъулиятни ўн қарра оширадиган янги босқич бошланмоқда, десак тўғри бўлади. Қанчалик қийин бўлмасин, бу босқичда карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шарт. Ҳар бир ишимизни эҳтиёткорлик билан, оқибатини пухта ўйлаб, нафақат ўзимиз, балки оиламиз ва фарзандларимиз олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб бажаришимиз керак. Акс ҳолда, барча сазой-харакатларимиз йўққа чиқиши ҳеч гап эмас. Ишончим қомил, анча билим ва тажриба орттирган, бағрикенг ва матонатли халқимиз бу босқичдан ҳам, албатта, муносиб ўтади".

(Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 16 июнь куни хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги айтган сўзидан).

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru \* www.uzhurriyat.uz \* 2020-yil 17-iyun, chorshanba \* № 20 (1184)

## СИНОВЛИ КУНЛАРНИНГ ТЕСТ СИНОВЛАРИ



Кириш имтиҳонлари эса 1 августдан бошланиши режалаштирилмоқда. Натижаси тест натижалари билан қўшиб ҳисобланадиган касбий-ижодий имтиҳонлар ҳам 28 июлгача якунланади. Тест синовлари мавжуд бўлмаган ижодий йўналишлардаги имтиҳонлар 25 июлдан 20 августгача давом этиши кутиляпти.

⇒ 2-бет

## ҚУЁШИМ ЭНАМ



Отам маърифатли инсон эди. У қишлоғимиздаги мактабда директор бўлиб ишлаган пайтлари ҳар байрамда адабий-баддий кечалар уюштирилди. Ҳатто мактабда отамнинг ташаббуси билан қурилган клубда ўқитувчи, ўқувчилар ўзлари роль ижро этишиб, Ҳамза, Комил Яшин, Уйғун асарларидан, отамнинг талаби билан спектакллар сахналаштирилган.

⇒ 7-бет

## КЎЧАДА НИМА ГАПЛАР?



Ҳурматли департамент ходимлари! "Кондиционер" — ҳаво совутигич остида ишлайвермасдан, "чилчачиси" йўқ кўчаларга бормаисизми, кўриб, ўрганиб, нимадир қилмайсизми?!

Шаҳарнинг юзи кўча, аммо афсуски ҳозир тилимизнинг ҳам "юзи" шу кўчалар бўлиб қолмоқда.

⇒ 8-бет

## АЙТГАНЧА

### ТАҲҚИР "ТАҲРИР" ҚИЛИНДИ



"Hurriyat"ning 2020 йил 8 март куни чоп этилган 10-сонида Қарши шаҳридаги "Медиа парк савдо" мажмуасида бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўлига пицца тутқазилган сурати бор баннер ўрнатилгани ҳақида ёзилган эди. Жамоатчи мухбиримиз Ислам Асилбековнинг "Бобомиз пицца сотганими?" сарлавҳали шу ҳақидаги мақоласи жамоатчилик орасида анча муҳокамага сабаб бўлган эди.

Газетамиз мухбирларининг суриштирувига кўра, бугун ушбу баннер олиб ташланибди. Энди унинг ўрнида ҳеч нарса йўқ: бўм-бўш девор бор, холос. Гарчи маънавиятимизга зид тарзда қилинган бундай «безак»лар бўлмаса-да, оппоқ деворнинг ўзи ҳам бир чиройли бўлиб, кўзни қувонтириб турибди.

А.АХМАД.

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ



Марғилон шаҳрида фойдаланишга топширилган Рақамли технологиялар марказида электрон ахборот ресурс маркази, 60 ўринли анжуманлар зали, музокаралар хонаси, видео студия жой олган бўлиб, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратиш, компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш йўлга қўйилади.

Бу ерда ёшлар ўртасида рақамли кўникмаларни шакллантириш ҳамда "Бир миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш учун ҳам барча имкониятлар яратилган.

Ўз мухбиримиз.

## ЎЙЛАБ КЎРИНГ

### ВИРТУАЛ ҚАРАМЛИК



Ишхонага келмаётганим анчадан бундан қуришмаган бир танишимни учратиш қолдим.

У нима билан бандлигимни сўради. Мен: "Уяли алоқа воситалари, интернет ҳақида" мақола ёзмоқчиман дедим. У: "Ҳа, ҳаётимизни компьютерсиз, айниқса, телефонсиз, интернетсиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Айниқса, бугунги ёшлар — XXI асрнинг боласи-да. Фарзандимиз ҳеч кимдан кам бўлмасин, деймиз. Қимматбаҳо телефон олиб бермасанг ўртоқлари устидан кулади, деймиз. Олиб берамиз-да", дейди.

Тўғри, ҳозирги ёшлар — йигирма биринчи аср ёшлари, ахборот технологиялари асри болалари. Лекин бола — бола-да, аввал ижтимоий тармоқда ўз саҳифасини очади. Виртуал дўстлар орттиради. Аммо берилмаётган ахборотлар, видеотасвирга олинган воқеалар ҳақиқатан борми-йўқми, бироқ ҳужжатга асослангани, буни билишга интилмаслиги-ку ёмон, қизиқиб ҳам кўрмагани ўта хавфли.

Ижтимоий тармоқлардаги ёлғон тарғиботлар сабаб қанчадан-қанча ёшлар бизга бутунлай бегона ҳар хил оқимларга кириб, ота-онасидан ташқари, жамиятга ҳам анча ташвиш туғдирди. Айниқса, тармоқлар орқали, илгари ҳеч учратмаган, умуман нотаниш одам билан сирдош бўлиб олиши, натижада, баъзи ахборот манбаларида ёзилганидек, кўча-кўйга норасида гўдакларни қолдириб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ёки ўзаро келишув асосида бир оила бўлиб яшаётганлар борлиги қандай чидаш мумкин?!

4

## АСР КАШФИЁТЛАРИ

### Тишланган олманинг доврўғи

ёки Стив Жобснинг сўнги мактуби



- Порлоқ келажакнинг қайгули одимлари
- Оддий гараждаги доҳиёна ихтиро
- Жамадонли уйча
- Чўнтакдаги мингта мусиқа
- Юрагингиз изидан юринг
- Дунёнинг энг бой одами сотиб ололмаган умр

Айтишларича, дунёни учта олма мутлақ ўзгартирган экан: Момо Ҳавонинг олмаси, Ньютоннинг олмаси ва Стив Жобснинг олмаси. Момо Ҳавонинг ва Ньютоннинг олмалари ҳақида бир неча асри гапириб келинади. Бизнинг мулоҳазаларимиз бу ҳақда эмас. Қуйида "Apple" асосчиси Стив Жобснинг тишланган олмаси ҳақидаги бутун ҳақиқатлардир.

Стив Жобс ашаддий орзуларга эришди. У ҳар бир мактабда, ҳар бир одамнинг қўлида компьютер бўлишини орзу қилди. Ва унинг орзуси амалга ошди. Бутун дунё илмлари қамалган компьютерни жомадон янглиг қўлда кўтариб юрар экан-ми, олаётган илмларимиз сабаб Стив Жобсга миннатдорлик билдираимиз.

3

## ШУНДАЙ ДЕДИ



Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, «Адолат» СДП сиёсий кенгаши раиси:

“

ИИБ масъулларининг мақсади бир бўлиши лозим — ҳақиқатнинг табиғат етиши ва фуқароларни ҳимоя қилиши. Аммо инсон ҳуқуқларини топташ орқали адолатга эришиб бўлмайди, фуқароларни дўппослаш уларни ҳимоя қилиш ҳисобланмайди.

Афсуски, ИИБ бундай ҳолларга "Бу янгилик эмас" деб қарашга одатланиб қолган.

## СИНОВ

### УЗОҚ КУТИЛГАН ВАКЦИНА

уни бир марта эмлаш етарлими?

Италия соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирусга қарши вакцина бепул тарқатилишини, уни биринчи навбатда хавф гуруҳига кирувчи одамлар олиншини маълум қилди. Маълум бўлишича, вакцинанинг бир дозаси таънарихи 2,5 еврони ташкил қилади.



5

КАДРИЯТ

Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас билади. Албатта, оиланинг мустақамлиги жамиятда тинчлик ва ҳамжихатлик барқарорлигини таъминлайди. Айниқса, бугунги синовли кунларда ҳар бир оилада маънавий муҳит соғлом бўлиши алоҳида аҳамиятга эга.



Оила — муқаддас ҳаёт ўчоғи

Хабарингиз бор, юртимизда Республика Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиб, тизимга Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Оила илмий-амалий маркази сингари ташкилотлар бириктирилди. Янгида ушбу янги вазирликда онлаин тарзда ўтказилган селектор йиғилиши бўлди. Унда жорий йилнинг ўтган даврида 9465 та оила ажрашиши қайд этилгани, ажрашиш ёқасига келиб қолган оилалар сони эса 10740 тани, ноконуний никоҳ асосида яшаётганлар 8313 тани ташкил этаётгани айтиб ўтилди. Низоли оилалар 12931 тани ташкил этиб, энг юқори кўрсаткич Хоразм, Фарғона, Самарқанд вилоятларига тўғри келиши, оилавий низолар ва муаммоларнинг вуҷудга келишига турли сабаблар

мавжуд бўлиб, улардан бири — хотин-қизлар ўртасидаги ишқис-лик муаммоси ҳам айтилди. Шу ўринда, жойларда ажрашиш ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш, мустақамлаш борасида Бухоро вилоятининг Олот, Когон, Вобkent туманларидаги аҳоли атрофлича ўрганиб чиқилди. Шунини таъкидлаш керакки, оилавий ажримдан, энг аввало, аёл, воёга етмаган гўдаклар азият чеқмоқда. Тахлилларга кўра, турмуши бузилган аёлларнинг 50 фоизидан ортиги ўртаҳол ёки кам таъминланган, яшаш шароити оғир оилалар фарзандларидир. Энг ёмони, ажрашган аёл фарзандларини боқиб, уй-жой қилиш илжинида хорижий давлатларга ишлагани кетмоқда. Бу

одам савдоси, аёллар иштирокидаги жиноятлар ортшига олиб келса, фарзандлар тарбиясига, оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Зеро, оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги асосидир. Миллий анъаналаримизга назар ташласак, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада қарор топади ва авлоддан-авлодга ўтиб боради. Албатта, анъаналари-миз негизига қурилган оилалар фарзандларидир. Энг ёмони, ажрашган аёл фарзандларини боқиб, уй-жой қилиш илжинида хорижий давлатларга ишлагани кетмоқда. Бу

танзимнинг ҳақиқий барқарорлик фуқаролари бўлиб воёга етишларига шубҳа йўқ. Оила — жамиятнинг асосий негизи. Соғлом оила муҳитини яратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш замирида соғлом келажакни яратиш асоси бор. Энг муҳими, оила ҳаётнинг давомийлигини, яъни авлодларни ҳаётга учирма қиладиган, барҳаётликни таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни ўз бағрида асрайдиган, шу билан бирга, келажак авлод қандай инсон бўлиб етишишига бево-сита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини ҳар доим ёдда тутмоғимиз керак.

Абира ҲУСЕЙНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТАЪЛИМ



Синовли кунларнинг тест синовлари

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги биносида 2020-2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш масалаларига бағишланган брифинг ўтказилди. Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ва ДТМ директори Мажид Қаримовлар иштирокидаги йиғилишда қабул жараёнлари ва тизимда амалга оширилган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

Жорий йилда тест синовлари абитуриент танланган бакалаврият таълим йўналишига мос икита фонддан ўтказилади. Бунда тўғри жавоб учун 3,2 ва 3,1 балдан берилади. Энди абитуриентлар синов ўтказиладиган фанлар мажмуи ҳамда кетма-кетлиги бир хил бўлган бакалаврият таълим йўналиши бўйича бештагача ОТМ-га ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга. Бу йил бакалаврият таълим йўналишига жами 148 миң 144 нафар талаба қабул қилинади (ўтган йилги кўрсаткичдан 36 фоиз кўп). Шунингдек, ногиронлиги бўлган, ҳарбий қисм кўмондончилигининг тавсияномасига эга, Меҳрибонлик уйи ҳамда болалар шаҳарчаси битирувчилари, ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари учун қабул квоталари оширилиб, уларга маълум имтиёзлар берилади. Тадбирда Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган махсус тавсияномаси бор хотин-қизлар учун 940 та квота ажратилган. Тавсиянома кимларга берилиши ва бу рўйхат қўй тартибда шакллантирилиши ҳақида тез кунларда маълум

қилиниши айтиб ўтилди. Фарғона вилоятининг Сўх тумани ёшлари учун ҳам 500 та квота ажратилган. Абитуриентлар 20 июндан 20 июлгача барча ҳудудларда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат тест марказининг расмий веб-сайти (www.dtm.uz) орқали ҳужжат топширади. Таълим муассасасини тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилдан аввали йилларда тугатган абитуриентлардан кириш имтиҳонларида иштирок этиш учун (базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари — 111 500 сўм) тўлов ундириш тартиби бу йил ҳам сақлаб қолинди. Кириш имтиҳонлари эса 1 августдан бошланиши режалаштирилмоқда. Натيجаси тест натижалари билан қўшиб ҳисобланадиган касбий-ижодий имтиҳонлар ҳам 28 июлгача якунланади. Тест синовлари мавжуд бўлмаган иккинчи йўналишлардаги имтиҳонлар 25 июлдан 20 августгача давом этиши кутиляпти. — Касбий-ижодий имтиҳонларни ўтказиш жараёнлари тўлиқ суратта олинди. Видеолавҳалар базада сақланиб, апелляция юзига

кеганида улардан фойдаланилади, — деди Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаев. Энди ҳар бир фанда осон саволлар сони 6 тадан 9 тага кўпайтирилади. Қўйин даражадаги савол эса 3 тадан кўп бўлишига йўл қўйилмайди. Ўрта даражадаги саволларнинг аввалиги 18 та миқдори сақлаб қолинди. Яна бир янгилик бир неча йиллардан буён талабаларни қўйиб келатган муаммо — таълим йўналишлари ва мутахассислар ҳам янги ўқув йилдан оптималлаштирилди. Яъни, мутахассисликлар сони 584 тадан 517 тага, йўналишлар сони эса 332 тадан 254 тага қисқарди. "Спорт фаолияти" бакалаврият таълим йўналиши бўйича ўқиш мuddати уч йил этиб белгиланди. Шунингдек, магистратура мутахассисликларига ўқишга кириш, бакалаврият таълим йўналишларига ўқишни қўчириш ва қайта тиклаш учун ҳужжатлар топшириш жараёни 1 июлдан 30 июлгача www.edu.uz ва magistr.edu.uz сайти орқали амалга оширилиши белгиланган. Магистратура босқичига кириш имтиҳонлари 3 августдан 15 августгача бўлиши кутиляпти. Ўз муҳбиримиз.

ТАДБИРКОРЛИК

Ўзбек бренди дунё кезади



Эндигина 30 ёшни қаршилаган Фаррухбек Шодибоев болалигидан жуда тиришқоқ, ўзига талабчан бўлиб улғайди. 2009 йилда Тошкент Молия институтини битиргач, давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган қулайликлардан руҳланиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади.



2018 йилда 1 миллиард 600 миллион сўм кредит олиб, «Тожмаҳал Ҳакансавдо» МЧЖ тасарруфида «Tajtekstil» ишлак чикариш корхонасини очди. Корхона Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги «Мумтоз» МФЙ ҳудудида жойлашган бўлиб, 2019 йилнинг июнь ойида илк фаолиятини бошлаб, туман аҳолисининг 150 нафардан ортигини иш билан таъминлади.

4000 га яқин киши истиқомат қиладиган ҳудудда ушбу корхонанинг ташкил этилиши ҳам халқимиз турмуш тарзини яхшилаш йўлида олиб борилаётган самарали ислохотларнинг бири десак, муболага бўлмайди. — Тадбиркорлик қонимизда бор. Дадам Патиддин Шоди-

корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Бахтиёр Ҳамроев кўмақларида Балиқчи тумани, «Мумтоз» МФЙ ҳудудида жойлашган коллежнинг ётоқхона биноси корхона учун ажратиб берилди.



боев ҳам узоқ йиллар давомида вилоятимиздаги текстиль корхоналарида раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борганлар, — дея сўз бошлади биз билан суҳбатда Ф. Шодибоев. — Оилада тўрт ўғилмиз. Ҳаммамиз тадбиркормиз. Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлигига мурожаат қилдик. Андижон вилояти ҳокимиятининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган

Бинони таъмирлаш ишлари ва тикув дастгоҳлари келтириш учун МЧЖнинг айланмаси ҳисобидан 3 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ сарф қилинди. Хитой технологиялари асосида иш бошладик. Фаолиятимизнинг асосий тури эркаклар ва аёлларнинг мавсумий спорт кийимлари ишлаб чикаришдан иборат. Биз хомашёни, асосан, вилоятимиздаги «Динар текстиль» корхонасидан сотиб оламиз.


Корхонада туркиялик мутахассис Эрдга Энгин ўз хиссасини қўшаётганидан хурсанд. Тикувчи қизларга қўлидан келганича курсатмалар бериб, уларга иш ўргатапти. Ҳар бир ишга меҳр билан, бор имкониятларни ишга солиб ҳаракат қилинса, натижа беради, самара беради. Буни «Тожмаҳал Ҳакансавдо» МЧЖ фаолиятинан ҳам билса бўлади. Маъруфа СОЛИБЕВА.

ҚИЛМИШ

Сиз нима дейсиз? Ўзининг 43 йиллик умри мобайнида 7 бора судланиб, салкам 33 йил мuddатга озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазоланган йўли билан тарбияласа бўлармикан?

ҚОРА КУРСИ ИШҚИБОЗИ

ёшуд 43 йиллик умрининг 33 йили судлар томолидан озодликдан маҳрум этиш жазосига тортинган шахс ҳуқуқида



Таъкидлаш жоиз, бу мисолни ҳаёлан тўқиб айтмадик. Орамизда умргузаронлик қилаётган Умирбек Сапаевнинг алғов-далғовли ҳаёти, аянчли қисматига назар солиб айтдик. У даставвал, 2000 йилда Богот туман жиноий судининг ҳукмига кўра, ўғирлик ва гиёҳвандлик каби жиноятлар содир этганилиги боис 6 йил мuddатга озодликдан маҳрум этилди. Орадан 1 йил ўтмайёқ амнистия актига мувофиқ жазонинг қолган қисми кечирилиб, оиласи бағрига қайтди. Афсуски, шундан сўнг у ҳаётининг атиги ярим йилини озодликда ўтказди. Кейин яна жиноятга қўл урди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», экан-да, ўғирликсиз туролмади. Бойиш илжинида гиёҳвандлик билан шуғулланди. Билмай қолди, ахир Умирбекнинг юриш-туриши назоратга олинганди, яна қўлга тушди. Бу гал 7 йилу 6 ой мuddатга озодликдан маҳрум қилинди. Аммо баркиренглик тамойилига асосан, 3 йилу 5 ой деғанда, суд ажримига кўра, озодликка чиқди. Наҳора, тоза ҳаводан нафас олиб,

эмин-эркин яшаб ўрганмаган одамга озодлик татирмиди. Оиласи бағрида умргузаронлик қилиш узоққа чўзилмади. Салкам 1 йилдан сўнг у тагин ҳибсга олинди. Жиноят кодексининг оғир оқибатга олиб келувчи гиёҳвандлик қилмиши учун белгиланган 270- ва 273-моддалари талабига кўра, бу гал 6 йилга кесилди. Адолат ва меҳр-оқибатга йўрилган юрт қонунчилиги унга яна мурувват кўрсатди. Уч йилдан сўнг жазони ўтаётган У.Сапаев, яъни 2009 йил куз чоғи мuddатидан илгари озод қилинди. Во ажабо, дея ёқа ушшамай туринди, орадан роппа-роса 2 ой ўтгач бу кимса тагин жиноий ишга бел боғлади. Қилмиши бу сафар ҳам беиз кетмади. Ҳаётининг ноябрь ойида ашаддий безорилик ҳаракати учун жазо тайинланди, 5 йил мuddатга озодликдан мосуво этилди. Ажабки, 2012 йили жазони тўла ўташга 2 йилу 1 ой қолганида яна мudd-

датидан илгари озод қилинди. Ўтган даврдаги қилмиши сабаб жазога тортилгани унга заррача таъсир қилмади. Балки қамоқда яхши боқилгандир, ким билади. Орадан кўп ҳам, оз ҳам эмас, 3 йил ўтиб Қўшқўйир туманида мўмайгина ўғирлик қилгани учун яна суднинг қора курсисига "мих"ланди. Бу гал 3 йилу 2 ой мuddатга озодликдан маҳрум этилди. Шундай эса-да, жазони тўла ўтамаёқ шартли равишда озодликка чиқарилди. Бу сафар жазони озодликда ўташ тартибини қўпол равишда бузди, тагин панжара ортига қайтди. Уйлаб қолсан, одам нима учун кўра-била туриб жиноятга қўл ураверади? Аммо ол-а, дейдиган одам йўқки, бу жиноятчи шу йилнинг ноябрь ойида жазо мuddати тугамай ким нечанчи бора озод қилинди. Узини билган ва инсонийлик сиёҳини унутмаган бандлар бу янглик қисмат, қўрулиққа рўпара келиш-

майди, чунки улар бундан ўзларини асрашади, манфур қилмишдан қочинишади. Ҳа, шоир ҳақ: кимки ҳаётдан сабоқ ололмас экан, унга улуг муаллим ҳам сабоқ беролмайди. У.Сапаевнинг қинғир-қийишқ ҳаёт йўлларига разм солган киши ҳаётдан сабоқ ололмаган бундай кимса Яратганининг бандасидан сабоқ олармикан, деган уй-андишага бориши турган гап. Башарти бунинг акси бўлганида, Умирбек ўзининг жинояткорона "юрши"га аллақачон чек қўйган бўларди. Афсуски, у тўғри йўлни ихтиёр этмади, ўғит ва сабоқлар, қонунчилигини талабларига қўлоқ тутмади. Оқибатгалдаги жиноятга қўл урди. Тагин ўғирлик билан қўлга тушди. Бу гал Умирбек озодликдаги ҳаётининг иккинчи оийи поёнига етмаёқ хавфли қилмишининг боши берк кўчасига кирди. "Ҳамманнинг кўзи иккита бўлса, ўғриники тўртта бўлади", дейишганидек, ўзи яшаётган туманининг "Хуррият" маҳалласида яшовчи

фуқаро Б.Эгамовга тегишли машина гаражининг очиб ва назоратсиз қолганини дарров пайқаб қолди, ҳаракатга тушди, барча мулк ва жиҳозларни ўмарди-ю воқеа жойидан узоклашди. "Ўғригина бола"нинг фаҳми шу жойда оқсади. Уловни олиб қочганимни ҳеч ким кўрмади, пайқамди, деган ҳаёли пуч бўлиб чиқди. Қўшини-сига тегишли мулк нотаниш кимса томонидан олиб кетилаётганлигини кўрган 3-4 чоғли ҳамсоғлар шоша-пиша Умирбекни таъқиб қилишди. Ўзганининг улловини ўғирлик йўли билан ўзлаштиришмоқчи бўлгани барбод бўлди. Айбланувчи У.Сапаев Жиноят кодексининг 25-, 169-, ҳамда 60-, 61-моддаларига асосан 5 йилу 1 ой мuddатга

озодликдан маҳрум этилди... Балки бу сафар тайинланган жазо унга кор қилармикан? Сирасини айтганда, оддий фуқаро сифатида, бунга ишонини қийин. Мабоодо У.Сапаев содир этган жиноятлари учун берилган жазони тўлиғича ўтаганида у 33 йил қамоқда ўтириши керак эди. Бироқ, қонунларимиз кечиримлик, адолатли. Бу кечиримлик, афвни тўғри тушунмай, қинғир қилмишини қанда қилмаётган бу кимсага нима дейиш мумкин?! Акбар АМИНОВ, Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман суди раиси, Абдулла СОБИРОВ, "Хуррият" муҳбири.





ДАРЧА

Бугун Ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг ҳамма ерида бор. Улар ўз иқтидорини намоён қилиб, жаҳондаги энг нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқишмоқда, машҳур компания ва ташкилотларда меҳнат қилишмоқда. Биз айнан хорижий юртларда ишлаётган, ўқиётган ва узоқ юртларда ўқиб, ишлаб юртимиз номини дунёга танитишда ўз хиссасини қўшаётган ватандошларимиз билан суҳбатлар ташкиллаштиришни ният қилдик. Қуйида ана шундай ҳамюртларимиздан бири билан бўлган суҳбатни этиборингизга ҳавола қилдик.

# “Бу ерда пул ҳам, таниш-билишчилик ҳам ўтмайди”

— дейди Хитойнинг Янжоу университети талабаси Нигора МАМАРАИМОВА



— Нигора, аввало ўзингиз ҳақда қисқача гапириб берсангиз.  
— 2001 йилда Жиззах шаҳрида туғилганман, Жиззах Ички ишлар академик лицейини тугатганман. Чет элда ўқиш ниятим ёшлигимдан бор эди. Хитойнинг таълим тизими ва имкониятлари, шарт-шароитлари маъқул бўлгани учун, қизикқан соҳам бўйича бу давлатга ўқишга келдим. Ота-онам оддий кишилар. Оиламиздагилар ҳаммиш мени қўллаб-қувватлашади. Ўқишни тамомлаб, келажақда юртимизда туризм соҳасини янада ривожлантиришмоқчиман, сайёҳларга фақат туристик шаҳарларимизни эмас, балки бутун республикамиздаги қадимжолар ҳақида маълумот беришмоқчиман.

— Ҳитой таълим тизимининг қайси томонлари сизни ўзига тортди? Ўзбекистондан қандай фарқи ва қулайликлари бор?  
— Биринчи ўринда коррупция йўқлигини айтишим мумкин. Юртимизда таълимнинг ривожланишига соя солиб, тизимни аввсиз емираётган порахуриликка қарши яхши ишлар олиб борилапти. Барибир юз йиллар давомида чуқур томир отган бу иллатдан бир неча йилда кутулиб бўлмайди.

— Ҳитойда порахурилик у ёқда турсин, ҳатто имтиҳонларда бир-бирдан кўчириш, кимдир кимгадир ёрдам бериш каби ҳолатларга ҳам кўзим тушмаган. Биз ижобий маънода ниҳоятда эркинимиз. Формада бўлиш, галстук тақиш ёки йилгилар учун соч-соқол кўйиш ёки кўймаслик муаммоси... бундай нарсаларга ауман эътибор берилмапти ва талабанинг вақти қадрланади. Ҳатто конспект ҳам муҳим аҳамиятга эга эмас.

— Ҳитойда амалиёт ўтаётган, университетни энди битирган ҳар қандай тажрибасиз кадрлар ҳам дарс ўтиб кетавермайди. Бизнинг университет дунё топ рейтинг бўйича юқори ўринда тургани учун энг оддий устоимиз ҳам докторантурани битирган, фан доктори ва профессорлик даражасига эга. Асосийси — дарс ўтиш техникаси ва таъриба! Бу ерда ёш эмас, билим муҳим роль ўйнайди ва таниш-билишчилик, пул, кимларнингдир кўнгирого, ҳатто ақилларнинг юқори мансабда ишлашининг ҳам мутлақо аҳамияти йўқ.

— Нигора, аввало ўзингиз ҳақда қисқача гапириб берсангиз.  
— 2001 йилда Жиззах шаҳрида туғилганман, Жиззах Ички ишлар академик лицейини тугатганман. Чет элда ўқиш ниятим ёшлигимдан бор эди. Хитойнинг таълим тизими ва имкониятлари, шарт-шароитлари маъқул бўлгани учун, қизикқан соҳам бўйича бу давлатга ўқишга келдим. Ота-онам оддий кишилар. Оиламиздагилар ҳаммиш мени қўллаб-қувватлашади. Ўқишни тамомлаб, келажақда юртимизда туризм соҳасини янада ривожлантиришмоқчиман, сайёҳларга фақат туристик шаҳарларимизни эмас, балки бутун республикамиздаги қадимжолар ҳақида маълумот беришмоқчиман.

— Ҳитой таълим тизимининг қайси томонлари сизни ўзига тортди? Ўзбекистондан қандай фарқи ва қулайликлари бор?  
— Биринчи ўринда коррупция йўқлигини айтишим мумкин. Юртимизда таълимнинг ривожланишига соя солиб, тизимни аввсиз емираётган порахуриликка қарши яхши ишлар олиб борилапти. Барибир юз йиллар давомида чуқур томир отган бу иллатдан бир неча йилда кутулиб бўлмайди.

— Ҳитойда порахурилик у ёқда турсин, ҳатто имтиҳонларда бир-бирдан кўчириш, кимдир кимгадир ёрдам бериш каби ҳолатларга ҳам кўзим тушмаган. Биз ижобий маънода ниҳоятда эркинимиз. Формада бўлиш, галстук тақиш ёки йилгилар учун соч-соқол кўйиш ёки кўймаслик муаммоси... бундай нарсаларга ауман эътибор берилмапти ва талабанинг вақти қадрланади. Ҳатто конспект ҳам муҳим аҳамиятга эга эмас.

— Ҳитой таълим тизимининг қайси томонлари сизни ўзига тортди? Ўзбекистондан қандай фарқи ва қулайликлари бор?  
— Биринчи ўринда коррупция йўқлигини айтишим мумкин. Юртимизда таълимнинг ривожланишига соя солиб, тизимни аввсиз емираётган порахуриликка қарши яхши ишлар олиб борилапти. Барибир юз йиллар давомида чуқур томир отган бу иллатдан бир неча йилда кутулиб бўлмайди.

— Ҳитой таълим тизимининг қайси томонлари сизни ўзига тортди? Ўзбекистондан қандай фарқи ва қулайликлари бор?  
— Биринчи ўринда коррупция йўқлигини айтишим мумкин. Юртимизда таълимнинг ривожланишига соя солиб, тизимни аввсиз емираётган порахуриликка қарши яхши ишлар олиб борилапти. Барибир юз йиллар давомида чуқур томир отган бу иллатдан бир неча йилда кутулиб бўлмайди.

— Ҳитой таълим тизимининг қайси томонлари сизни ўзига тортди? Ўзбекистондан қандай фарқи ва қулайликлари бор?  
— Биринчи ўринда коррупция йўқлигини айтишим мумкин. Юртимизда таълимнинг ривожланишига соя солиб, тизимни аввсиз емираётган порахуриликка қарши яхши ишлар олиб борилапти. Барибир юз йиллар давомида чуқур томир отган бу иллатдан бир неча йилда кутулиб бўлмайди.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

**ИТАЛИЯ**  
**УЗОҚ КУТИЛГАН ВАКЦИНА**  
уни бир марта эмлаш етарлими?  
Коронавирусга қарши вакцина яратиш учун ташкил этилган Альянс (Inclusive Vaccine Alliance, IVA) таркибига кирган Италия, Франция, Германия ва Нидерландия вақтинани ишлаб чиқарган «AstraZeneca» компаниясига 300 миллион доза вакцина учун 750 миллион евро тўлайди. Шу тариқа Оксфордда жойлашган компания яратадиган AZD1222 деб номланган вақцинанинг нархи 2,5 еврони ташкил қилади.  
IVA иштирокчиларининг «AstraZeneca» билан вакцина етказиш бўйича шартномани имзолаши 13 июнда эълон қилинган. Шартномага қўра, вакцина харидорларга 2020 йил охирида тақдим қилиниши мумкин. Компаниядан ваъда берилишича, вакцина билан эмлаш коронавирუსга чалинишга қарши келмайди, инсон имун тизими коронавирუს қақирувчи касалликка қарши кураша олиши учун бир эмлаш етарли бўлади.




— Узини «Капитолин Хилл» деб номлаган автоном зона бир ҳафтадан кўпроқ вақт давомида на полиция ва на ҳокимиятга бўйсунмади. Дональд Трамп бу масалага нисбатан қаттиқ чоралар қўришга топшириқ берди. Бунинг оқибатида Европада ҳам ирқчиликка қарши кескин намоёншлар бошланди. Бир кун олдин Бельгияда намоёншчилар шонига олган қирол Леополд II ҳайкали бўлган. Вандаллар монархнинг бюстини бузиб ташладилар ва пёддани ирқчиликка қарши шорлар билан бўяшди.

**АҚШ**  
**НАМОЙИШЛИ УЧ ҲАФТА**  
Афро-америкалик фуқаро полиция зо-битлар томонидан ўлдурилганидан сўнг, юз миנגлаб кишилар мамлакат бўйлаб но-розилик ҳаракатла-рини бошлашди, одам-лар намоёншкорона кўчаларга чиқдилар. Ва булар ноқонуний хат-ти-ҳаракатларга айлан-ди.  
Узини «Капитолин Хилл» деб номлаган автоном зона бир ҳафтадан кўпроқ вақт давомида на полиция ва на ҳокимиятга бўйсунмади. Дональд Трамп бу масалага нисбатан қаттиқ чоралар қўришга топшириқ берди. Бунинг оқибатида Европада ҳам ирқчиликка қарши кескин намоёншлар бошланди. Бир кун олдин Бельгияда намоёншчилар шонига олган қирол Леополд II ҳайкали бўлган. Вандаллар монархнинг бюстини бузиб ташладилар ва пёддани ирқчиликка қарши шорлар билан бўяшди.



**ЯДРО ҚУРОЛИ КАМАЙМОҚДА, УРУШЛАР-ЧИ?**  
Россия, США, Франция, Великобритания, ЮАР, Индия, Израиль, Пакистан, ЮАР, Россия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Исроил ва Шимолий Кореяда 13,4 мингта ядровий жанговар қалқал бўлган. Бу эса 2019 йил бошидагидан деярли 500 тага камроқдир.  
Таҳлилчиларнинг фикрича, бошқа ядро ажагага эга давлатларнинг қуроли Россия ва АҚШникидан анча кам, бироқ бу давлатлар ядро қуролини етказишининг янги тизимларини ривожлантириши, ё жойлаштириши бошлаган. Экспертлар фикрига қўра, Хитой «ўз ядро қуролини катта кўламда модернизациялаш» йўлининг ўртасида турибди. «Ҳиндистон ва Покистон ҳам ўз қуроли ҳажминини кўпайтирмоқда. Шимолий Корея ядро дастурига ўз миллий хавфсизлик стратегиясининг марказий элементи сифатида устувор эътибор қаратишни давом эттирмоқда.

**ҲИНДИСТОН**  
**АКТЁРНИНГ ЎЗ УЙИДАГИ ЖАСАДИ**  
Болливуд юлдузи, 34 ёшли актёр Сушант Сингх Ражпут Мумбайдаги уйида жонсиз ҳолда топилди. Полициянинг таҳмин қилинишича, актёр ўз жонига қасд қилган бўлиши мумкин.  
Таъкидланишича, бир ҳафта аввал актёрнинг собиқ менежери ҳам вафот этган. Бу орада актёрнинг полиция билан суҳбатлашган яқинлари ва дўст-лари Ражпут тушкун ҳолатдалиги, соғлиги ёхуд молиявий томондан муаммолари борлигидан шикоят қилмаган.  
Актёр «Ҳаётимдаги уч хато» фильмидан кейин машҳурликка эришган, уни таниқли режиссёрлар фильмларида таклиф қила бошлаган. Ражпут, шунингдек, сериалларда ҳам роллар ижро этган. Умумий ҳисобда актёр 20 дан кўпроқ фильмда, жумладан, «Пикей», «М.С.Дхони: айтилмаган воқеа», «Драйв» каби фильмларда суратга тушган. Унинг иштирокидаги янги фильм май ойида экранларга чиқиши керак бўлган, бироқ пандемия сабабли қолдирилган.  
Таъкидланишича, актёр ижтимоий тармоқлардаги охириги постини ўз онасига бағишлаган.



**ҚИРГИЗИСТОН**  
**БОШ ВАЗИР ИСТЕҶОСИ**  
Қирғизистон бош вазири Мухаммадкалий Абилғозиев радиочастоталарни сотиш билан боғлиқ можаро сабабли истеъфого чиқишга қарор қилди. Бу ҳақда Қирғизистон Вазирлар маҳкамаси матбуот хизматида маълум қилинди.  
Май ўртасида Қирғизистон парламентида радиочастоталарнинг ноқонуний сотилиши бўйича можаро авж олган. Депутатларнинг версиясига қўра, 2 та радиочастота Қирғизистоннинг мобил операторларидан бирига 1000 ва 700 қирғиз сўмига сотилган. Бунинг натижасида эса давлатга кўп миллиард сўмлик зарар етказилган.  
Ушбу иш бўйича қўзғатилган жиноий иш юзасидан Қирғизистон давлат алоқа агентлигининг собиқ директори Наталья Черноғубова ва махсус хизматларнинг бир қатор ходимлари қўлга олинган. Парламентнинг 20 майдаги йиғилишида депутат Жанар Акаев бош вазир ушбу ишга алоқадор бўлиши мумкинлигини айтган. Акаевнинг фикрича, радиочастоталар бош вазирининг рухсатисиз сотилган бўлиши мумкин эмас. У етказилган зарарни 5 миллиард қирғиз сўми (67 миллион АҚШ доллари)га баҳолаган.  
“Ўз ишимда доим ҳалол ва очиқ-ойдин ишлаганман, бу ишга умуман алоқам йўқ, менинг номимга билдирилётган айбловлар ҳеч қандай асосга эга эмас”, — деган собиқ бош вазир.  
Абилғозиев ушбу лавозимда 2018 йилдан бери ишлаб келаётганиди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БОЖХОНА БЕКАТИ

## Совутгичда нима бор?

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ҳамда Давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳудудида тезкор тadbир ўтказилди.



## Ўғирликнинг юки



Тошкент вилояти божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари Давлат хавфсизлиги хизмати чегара қўшилари билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Бекобод туманида ўтказган тadbирди фуқаро Э.У. «Мерседес бенц вито» русумли автомашинасига, юртимизга айланма йўллар билан олиб келинган, умумий қиймати 337,5 миллион сўмлик, жами 22 500 қўти тамаки маҳсулотларини юклаётган вақтида қўлга олинди. Ноқонуний йўл билан бойишни истаган фуқарони ўғирликнинг юки «босиб қолди».

Давлат Божхона кўмитаси материаллари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

ТАЛҚИН

Коронавирус пандемияси кўпгина давлатлар иқтисодий инқирозга олиб келган бўлса-да, кўпгина соҳаларда янги имкониятлар эшигини ҳам очди.

### Ҳамжиҳатлик ривожланиш омилидир

Айтиш мумкинки, бундан аввал ҳам бало-офатлар туфайли иқтисодий инқирозлар вужудга келганди. Таъриба шуни кўрсатдики, қайси давлатда пандемия вазиятида барқарорлик, ҳалқ билан давлат ўртасида ҳамжиҳатлик бўлса, бу давлатлар иқтисодий жиҳатдан ўзини тезда тўтиб, ривожланишнинг кейинги босқичига ўта олади. Қерда ҳалқ билан давлат ўртасида ҳамжиҳатлик бўлмаса, бир-бирини қўллаб-қувватламаса, у ерда нозорилик кайфияти келиб чиқади ва иқтисодий инқирозлар сиёсий инқирозлар сари юз тутади.

Маълумки, Европа, АҚШ, Канадада карантинга қарши минглаб одамлар намойишлар уюштирган. Кейинчалик, бундай кўчага чиқарилар Буюк Британиянинг Лондон, Манчестер, Кардифф ва бошқа шаҳарларида давом этиб, Германия ва Франция шаҳарларида содир бўлган оммавий нозориликларга сабаб бўлган эди. Коронавирус пандемияси билан касалланиш ҳолатига эътибор берилса, энг кўп жабр чекашлар ҳам юқорида зикр этилган давлатлар ва шаҳарлар аҳолиси бўлди.

Унутмаслик керак, қалтис вазиятдан фойдаланиб, дунё ҳолатини офат учоғига айлантирмоқчи бўлаётган бузғунчи кучлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳолат бевосита медиа саводхонлик масаласи билан боғлиқ, Бониси — айрим ёшларда иқтисодий тармоқларда берилаётган ахборотларнинг мазмун-моҳиятига етмай, хабарни охиригача ўқимай, мулоҳаза қилмасдан, унинг сарлавҳасидан оқибат ҳулоса чиқаришга мойиллик ҳолатлари кузатишмоқда.

Бузғунчи кучларнинг иқтисодий тармоқлар орқали ўз аудиториясини кенгайтириш, кейинчалик уларни ўзи хоҳлаган маълумотлар гирдобига тортиш, охири-охирида барқарорликка путур етказиш мақсадлари йўқ, деб айта оламиз.

Ҳозирги ахборот асрида давлатлар бир-бирига бирон-бир зарба бермоқчи бўлса, ҳарбий ва иқтисодий томондан эмас, балки маънавий-мафкуравий томондан ахборот

хуружи орқали зарба беришга уриниб кўради. Уларнинг ахбороти гирдобига тушиб қоладиган омманинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг пастлиги, мафкуравий бушлиқнинг мавжудлиги, ўзининг кўр-кўрона хат-ҳаракатларини иқтисодий фаоллик сифатида баҳолаши сабаб бўлади.

Ҳар қандай шароитда ўзи қилмоқчи бўлган ишнинг ҳуқуқий оқибатларини билмаслик ёки билса ҳам писанд этмаслик, пировадидда қонуний жазо чоралари кўрилишига олиб келади.

Шундай экан, Конституциямизнинг 33-моддасида "Фуқаролар ўз иқтисодий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нўқтаси назаридангина бундай тадбирлар ўтказишнинг тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга" эканлиги белгиланган.

Шуни унутмаслик кераки, бу ҳуқуқ ўз навбатида белгиланган тартибни бузмаслики ҳам талаб этади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддасида йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш жазима солинганга ёки маъмурий қамоққа олинишга сабаб бўлиши белгиланган.

Тарихдан маълумки, қонун эҳтирослар устидан ҳукмронлик қилган жордагина эркинлик бўлади. Қонун иқтисодий адолат учун асосий замин бўлса, иқтисодий адолат ўз навбатида иқтисодий барқарорлик учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Зафар ХУДАЙБЕРДИЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**  
**Инновацион ривожланиш, ахборот сисъати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.**

САБОҚ

# МЎМИН ОТАНИНГ ТУРМУШ УРИНИШЛАРИ

## жадидларнинг энг сўнггиси ҳақида

**Мен бу қарияни танирдим. Уни Мўмин ота, орқаваротдан эса Мўмин кофир дейишарди. Эскигина кийимда, бир қўлида тўрдан тўқилган хўжалик халтаси кўтариб юрадиган новчагина, тўладан келган аммо бироз эғилиб қадам босадиган чўққи соқолли бу одам олтмишинчи йилларда мен ишлайдиган "Муштум" журнали идорасининг йўлагидан ҳам ўтиб қоларди. Гарчи унинг эски замонларда ёзувчи, шоир бўлганини, кўпгина ҳажвий шеърлар ёзганини эшитган бўлсам-да, ўзи кўримсиз бўлганлигиданми ёки унинг исмига қўшиб айтиладиган "кофир" лақаби туфайлиданми, ишқилиб, биз ёшлар унга унча эътибор қилмасдик, тўғриси — менсимасдик.**



Асли исми Мўминжон Муҳаммаджонов бўлган бу кекса қаламкашнинг "Турмуш уринишлари" деган китоби ўша — олтмишинчи йилларда босилиб чиққан бўлса ҳам уни бирорта одам тузук-қуруқ ўқиб чиққанлиги ҳам маълум эмас эди. Мана мен бу кишини орадан деярли кўк йилдан мўлроқ вақт ўтгандан кейин, Мўмин ота аллақачон бандаликни бажо келтириб жойи рости кетганида кашф этдим. Бир мен эмас бошқалар ҳам, ҳатто чет элдаги тадқиқотчилар ҳам Мўмин Муҳаммаджонов қолдирган мерос билан қизиқиш қилишди, у ҳақда чет элларда мақолалар пайдо бўлди. Илло бу камтарин, камсуқум, афтодаҳол бир чолнинг ўтмишимиздаги кўпгина тарихий воқеаларнинг жонли бир тусоҳи, машҳур тараққийпарварларнинг дўсти, жаҳид матбуотининг биринчи нашрларидан тортиб то охиригача доимий муҳбири, истиқлолимиз учун олиб борилган курашларнинг бевосита иштирокчиси эканлигини беҳабар эдик-да. Афсус, билганимизда жуда кўп-кўп нарсаларни сўраб-билиб олардик-а... Аммо энди кеч. Бу гапларни, зарур маълумотларни Мўмин отадан қолган бирдан бир ёдгор — унинг "Турмуш уринишлари" китобидан излаймиз холос.

"Турмуш уринишлари" — Мўминжон Муҳаммаджоновнинг таржаман ҳоли,

босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақидаги оддийгина мемуарнамо бир асар. Унда ёзувчи ўзининг болалик давридан то ўттизинчи йилларгача қўрган-кечирган воқеаларини эринмасдан, бир бошдан, ҳеч қандай бадий тўқима қўшмасдан ёзиб ўтади. Тошкентда камбағал бир оилада туғилган, ёшлиғида ота касби — узангисозлик устахонасида тер тўкиб ишлаб тирикчиликнинг аччиқ-чучугини татиган, эски мактабда не азоблар билан хат-саводини чиқарган, кейин эса илм олиш мақсадида Тошкент, Бухоро, то Уфадаги мадрасаларга ҳам бориб не машаққатлар билан ўқиган Мўминжон ака ўша давр тараққийпарвар зиёлилари, жумладан, шоир Камий ва бошқалар билан дўстлашади, янги чиқа бошлаган газета ва журналларни ўқийди, уларда ўз мақолалари, шеърлари билан иштирок этади, шу боисдан мутаассибдирдор эмас — кенг фикрли инсон бўлиб етишади. У ўз китобида ёзишича ўша даврлардаёқ турли мазорларга сизинишини бидъат деб билган, айрим баднафс дин вакилларининг кирдиқорларига нисбатан аччиқ гаплар айтишга журъат этган эди. (Унга "кофир" лақабини берилишига ҳам сабаб шу бўлса керак).

Тирикчилик уринишлари Мўминжон акани қай жойларга ташламаган — у гоҳ Тошкентдаги бирор маҳалла масжидида

имомгарчилик қилишга мажбур бўлса, гоҳ Марғилон, Андижон ва Хоразмда, ҳатто қўшни Қозоғистон қишлоқларида муаллимлик қилади. Аммо у қаерда бўлмасин янгиликка интилади, одамларга илм-маърифат тарқатади, тараққийпарварлар сафида бўлади. У дастлабки ташкил этилган жаҳид нашрлари — "Хурийд", "Шухрат", "Садойи Туркистон" газеталарида ўз шеърлари, мақолалари билан қатнашади, уларда босилган ўз фельетонларида зулмкор амалдорлар, порохўр қозиларни аямай фош қилади.

Мўминжон Муҳаммаджонов юқорида айтганимиздек, қатор тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган. Масалан, у 1916 йил Тошкентда бўлиб ўтган улкан халқ ҳаракати — чор подшоҳининг мардикор олиш ҳақидаги буйруғига қарши кўтарилган кўзғолонни ўз кўзи билан кўрган, унда яраланган ҳаммаҳалла Содиқ деган йигитга ёрдам кўрсатган. "Маҳалламиздаги бир тикувчининг ўн саккиз яшар ўғли Содиқ докторхонада бир неча кун ётиб, соғайиб қайтиб келди. Кейин эшитсам, бир неча кундан кейин полиция келиб, уни олиб кетибди. Бечорани ҳукуматга қарши ҳаракатда айблаб, осиб ўлдирдилар. Унга қўшиб яна тўрт кишини ҳам осибдилар. Тўққиз кишини йиғирма йилдан каторгага — оғир ишга ҳукм қилибдилар" — деб ёзади ўз китобида адиб ўша даврдаги чор ҳукуматининг зулми ҳақида. Бу зулм бевосита Мўминжон акага ҳам тегиб ўтади. Уни мардикорликка оладилар, аммо у муаллимман, деб бундан қутулиб қолади, унинг ўрнига укасини олиб кетадилар, укаси мардикорликдан хасталаниб қайтади ва вафот этиб кетади.

1917 йил февраль инқилоби Туркистон зиёлилари учун ҳам "миллий озодлик умиди"ни уйғотган воқеа сифатида зўр талқин қилинган. Бу пайтда Мўминжон ака Андижонда шоир Чўлпоннинг ҳовлисида

мактаб очиб, муаллимлик қилаётган эди. У шундай деб эслайди:

**"1917 йил, февраль ойи эди. Болхонада болаларни ўқитиш билан машғул эдим. Кулуғимга тапир-тупуур овоз кирди. Эшикдан бундай бошимни чиқариб қарасам қўлида қоғоз Абдулҳамид (Чўлпон — М.Х.) юзуриб келяпти. Суяна-суяна меннинг олдимга кириб келиб: "Қани, суянчини чиқараверинг, Мўминжон ака! Падарлангъат золим Николай подшо йиқилибди, афсалософлинга кетибди. Энди эзилган ҳамма мустамлака халқлар озо! Ишонмангангиз мана русча телевеарма!" — деб қўлидаги телеграммани менга кўрсатди.**

**Иккаламиз суяна-суяна қучоқлашиб кўришдик. Кейин шаҳарнинг кенг бир майдонда митинг бўлди. Митингда бошқалар қатори Абдулҳамид ҳам нутқ сўзлади."**

Мўминжон Муҳаммаджонов 1917 йил октябрь ўзгаришидан кейин янги тузум матбуотида, жумладан "Муштум"да ишлаб, ўз ҳажвий шеърлари билан қатнашиб турди. У ўз шеърларини Тошқин, Меҳтарбод деган тахаллуслар остида ёзарди. Гарчи у бу даврда ёзган шеърларида ўша давр таомилига кўра янги тузумни олқишлаб:

**Давр бизнинг давримиз,  
даворон бизим давронимиз,  
деб мадҳу санно ўқиса-да, бу давр уни сийламади, ҳатто қаторга ҳам қўшмади. Илпо тараққийпарварлар матбуотида фаол иштирок этган, уларнинг ҳамфири бўлган ҳар қандай одам бу даврнинг душмани саналарди. Даҳшатли қатагонлардан омон қолиши эса бу инсоннинг бахти эди. Шу боисдан Мўминжон ака бунга шўқ қилгандай бутун умр индамай, буйан эғиб қўлидан рўзгор халтаси тушмай ўтди. Унинг турмуш уринишлари шундай ўз ниҳоясига етди.**

Мен бу қарияни танирдим...  
**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Маълумки, жорий йилнинг май ойида рўй берган Сардоба воқеалари ҳар биримизнинг юрак-юрагимизни қақшатди, ҳали-ҳамон сирқиратмоқда. Бироқ ўзбек ўзининг чин ўзбеклигини, миллат ўзининг миллатлигини мана шундай оғир дамларда яна бир марта намоён этди. Кимдир сардобаликларга уйдан жой берди, кимдир озиқ-овқат, яна кимдир эса кийим-кечак деган-дек, ҳамма кўмак беришга интилди. Ана шу оғир паллаларда сардобаликларга қилинган ва қилинаётган маънавий-иқтисодий-руҳий ёрдамнинг чеки кўринмади. Бу айни пайтда мамлакатимиздаги кўзга кўринган корхона ва ташкилотлар, ҳудудий бирлашмалар фаолиятида ҳам кўзга ташланди.



## Сардоба сарҳадларида...



**"Ўзсаноатқурилишбанк"**  
**қатор инвестицион лойиҳаларни рўёбга чиқаради**

"Ўзсаноатқурилишбанк"ка бириктирилган Сардоба туманида тижорат банки томонидан жами 85 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бу лойиҳалар халқни ҳам, банкни ҳам ҳушнуд этишига шубҳа йўқ.

Жорий йилнинг 1 май кўни Сардоба сув омбори тўғрисидаги ўпирилиши натижасида ёндош туманларни сув босиб, кўллаб аҳоли турар-жойлари, иқтисодий объектлар, экин майдонлари ҳамда йўл ва коммуникация тармоқларига катта зарар етган эди.

Айни пайтда республикаимиздаги вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимликлари, турли муассасалар, қолаверса, халқимиз

орасидан чиққан минглаб кўн-қиллилар кучи билан талафот оқибатларини жадаллик билан бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бу ҳаммани бирдай оёққа қалқитди.

2020-2021 йиллар давомида худуднинг иқтисодий салоҳиятини тиклашга қаратилган санаот, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларига доир умумий ҳажми 342,1 миллиард сўмга тенг 85 та лойиҳани ишга тушириб, уч мингта яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилган. 85 та лойиҳанинг ҳар бирининг ортида улкан амалий ишлар, илғор гоғлар, халқ учун фойдали ва манфаатли муқаддлар борлиги аниқ назарда тулсақ, бу ҳар би-

римизни севинтириши табиий. Чунки, бугун сардобаликларнинг аҳоли ҳар биримизникидан мушқулроқ, машаққатлироқ. Амалга оширилаётган лойиҳалар эса ҳаёт тарзини нолдан бошлаётганлар учун катта мадад кучи бўлади.

Қолаверса, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан Сардоба туманида умумий қиймати 61,5 миллиард сўмлик тўртта йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Жўмладан, "Sardoba Oqsaroyi Tekstil" корхонасига тегишли тикув трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлиб, объектни қуриш ва жиҳозлашга Ўзсаноатқурилишбанк молиявий мадад бўлмоқда. Корхона-

нинг ишга туширилиши натижасида 500 та янги иш ўрни яратилади. Бугун мамлакатимизда янги ишчи ўринлари яратиш бош масалалардан бирига айланган бир пайтда, бу ҳам аҳоли учун яратилган қўлайлик ва имкониятлардан биридир.

Эътиборли жиҳати шундаки, корхона тўла қувватда ишга тушганда тайёр трикотаж ва хомаша матолар нафақат маҳаллий бозорга етказиб берилади, балки уларнинг 3,3 миллион АҚШ долларлик қисми чет давлатларга ҳам экспорт қилинади. Натижада ўзбек трикотаж маҳсулотларининг дони, ўзбек тикувчи-ларининг шухрати хорик бўйлаб қадам ташлайди.



Хизматлар лицензияланган.





